



Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 68 (13.915)

Баҳоси эркин нарҳда

“БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ”:

БИРГАЛИҚДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР МАМЛАКАТЛАР ВА ХАЛҚЛАР КЕЛАЖАГИ УЧУН ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАР ОЧАДИ

Аввал хабар қилинганидек, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Бир макон, бир йўл” халқаро форуми очилиш маросимидан сўнг икки томонлама учрашувлар ўтказди.

Форум ишида 40 дан зиёд хорижий давлатлар ва ҳукуматлар, халқаро ва минтақавий ташкилотлар раҳбарлари қатнашмоқда.

Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин анжумани очиб, унда иштирок этаётган барча хорижий делегациялар раҳбарлари, кўп сонли эксперт ва таҳлилий доиралар вакилларига миннатдорлик билдирди.

Хитой Раиси БМТ, ШХТ, Европа Иттифоқи, Евроосиё иқтисодий иттифоқи каби халқаро ва минтақавий тузилмалар ҳамкорлигида амалга оширилган “Бир макон, бир йўл” кўшма лойиҳаси иқтисодий ривожланишга кенг йўл очишини, шу жиҳатдан у турли мамлакатларнинг миллий тараққиёт стратегиясига мос келишини таъкидлади. Лойиҳани биргаликда ҳаётга жорий этиш бутун дунёда иқтисодий ўсиш суръатларини оширишда муҳим роль ўйнаши қайд этилди.

2017 йилда илк бор ўтказилган “Бир макон, бир йўл” халқаро форуми икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлик механизмларини мустаҳкамлаш, ривожланишнинг янги моделини излаш, шакллантириш ва ҳаракатлантиришга йўналтирилган лойиҳа сифатида эътироф этилмоқда.

Хитой илгари сурган мазкур ташаббус икки йўналиш – куруқлик ва денгиз йўлларини ривожлантириш ва ўзаро боғлаш орқали давлатлараро ҳамкорлик механизмларини мустаҳкамлашга қаратилган. Хозирги кунда у Осиё, Европа ва Африкадаги 65 мамлакатни қамраб олган. Келгусида унга бошқа давлатлар ҳам қўшилиши натижасида глобал иқтисодий маконга айланади.

“Бир макон, бир йўл” лойиҳасининг асосий мақсадларидан бири глобал эркин савдо тартибини қўллаб-қувватлаш, Осиё, Европа ва Африка мамлакатлари ўртасида интеграцияни кенгайтиришга қаратилган. Ҳисоб-китобларга кўра, бутун лойиҳанинг тахминий иқтисодий қўлами 21 триллион АҚШ долларини ташкил қилади.

Бугунги кунда 100 дан ортиқ давлат лойиҳада қатнашиш истагини билдирган, 40 дан зиёди Хитой билан ҳамкорлик қилиш бўйича битим имзолаган. Натижада 2013 йилдан 2017 йилгача Хитой ва “Бир макон, бир йўл” лойиҳасига қўшилган мамлакатлар ўртасида ташқи савдо айланмаси 4,8 триллион АҚШ долларига етди, йиллик ўсиш 4 фоиз ошди.

Хитой лойиҳа доирасида икки томонлама ва кўп томонлама ҳамкорлики назарда тутувчи “мослашувчан механизмлар”ни қўллаб келмоқда. Хитойнинг транзит-логистика соҳасига оид лойиҳалари Марказий Осиё мамлакатларининг жаҳон бозорига чиқиши, бошқа давлатлар билан саноат кооперациясини мустаҳкамлашга кенг йўл очмоқда.

Ўзбекистон биринчилар қаторида “Бир макон, бир йўл” ташаббусини қўллаб-қувватлади ва унинг аъзо-таъсисчиларидан бирига айланди. Мамлакатимиз учун денгиз портларига чиқиш жуда муҳим. Шу боис, Жанубий Осиё, Яқин Шарқ ва Африка бозорларига чиқиш имконини берувчи халқаро транспорт йўлакларини ташкил этиш бўйича лойиҳаларда фаол иштирок этмоқда.

Жумладан, 2016 йилда Фаргона водийсини Ўзбекистоннинг бошқа ҳудудлари билан боғловчи “Ангрен-Поп” электрлаштирилган темир йўли барпо этилди. Мазкур линия Хитойгача бўлган масофани 270 километр қисқартириш имконини берди. Бундан ташқари, Хитой-Қирғизистон-Ўзбекистон темир йўлининг қурилиши мамлакатларимиз учун улкан иқтисодий имкониятлар очади. Натижада мамлакатимиздан Хитой ва Ўрта Шарққа тўғридан-тўғри чиқиш имконияти юзага келади, юк ташиш вақти 5-6 суткага қисқаради. Янги автомобиль йўллари, жумладан, “Анджон-Ўш-Ирқитом-Қошғар” қатновини очиш минтақа давлатлари ўртасида ўзаро манфатли алоқаларни кенгайтириб, уларнинг иқтисодий тараққиётига қўшимча суръат бағишлайди.

2018 йилда Ўзбекистон ташқи савдо юкларини Хитойдан ва Хитойга темир йўл транспорти орқали ташишда 2017 йилга нисбатан 18,2 фоиз ўсиш кузатилди. Импорт юкларини ташишда 25,8 фоиз ўсишга эришилди.

Анжуманинг очилишида халқаро савдо ва инвестиция алоқаларини мустаҳкамлаш, мамлакатларнинг иқтисодий бошқарув тажрибаларини тақомиллаштириш, янги транспорт ва логистика йўлаклари яратилишини рағбатлантириш бўйича амалга ошириладиган лойиҳалар хусусида сўз юритилди. Ушбу лойиҳада иштирок этаётган мамлакатлар сафи кенгайиб бораётгани дунё миқёсида барқарор ривожланишга интилиш кучаяётганини ифода этиши таъкидланди.

Халқаро форумнинг биринчи кунини Халқ вакиллари кенгаши уйда тадбир иштирокчилари шарафига ташкил этилган гала-концерт билан якунланди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев шу кунини Пекинда Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раиси Ли Чжаньшу билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари “Бир макон, бир йўл” иккинчи халқаро форумининг ўтказилиши ҳамда унинг доирасида ХХР Раиси Си Цзиньпин илгари сурган ташаббусларнинг амалга оширилиши халқаро ва минтақавий ҳамкорлиқни ривожлантиришга, кенг минтақамизда дўстлик, яхши қўшничилик ва ўзаро англашув муҳитини мустаҳкамлашга хизмат қилишини таъкидлади.

Хитой Халқ Республикаси Раиси билан учрашувда мамлакатларимиз ҳамкорлигининг янги истиқболлари белгилаб олингани, улар икки давлат ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши қайд этилди.

Ли Чжаньшу Ўзбекистон ва Хитой ўзаро муносабатларда юксак даражага эришганини мамнуният билан қайд этди.

Кейинги йилларда икки мамлакат ўртасидаги савдо-иқтисодий, инвестициявий, молиявий, маданий-гуманитар ва бошқа кўлаб соҳаларда алоқалар янада фаоллашгани алоҳида таъкидланди.

Ўзбекистон ва Хитойнинг қонун чиқарувчи органлари ўртасида ҳамкорлик борасида ижобий тажриба тўпланган. Парламент делегацияларининг учрашувлари мунтазам ўтказилиб, бу борадаги шериклик изчил ривожланмоқда.

Учрашувда олий даражада эришилган келишувлар ижроси устидан парламентарий назоратини кучайтириш масалалари кўриб чиқилди. Бундан ташқари, парламентарлараро мулоқот мамлакатларимиз ҳамкорлигини амалий мазмун билан бойитиш, янги дастур ва лойиҳаларни илгари суришга хизмат қилиши қайд этилди.

Бутунхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раиси Ўзбекистон билан Хитой ўртасида эришилган келишувларни амалга ошириш ва кенг қўламли шериклики янада ривожлантиришга амалий ҳисса қўшишга тайёрглигини билдирди.

Ли Чжаньшу Ўзбекистонда янги босқичда амалга оширилаётган ижтимоий-иқтисодий ислохотларни, уларнинг реал натижалари ва самарадорлигини юксак баҳолади. Унинг фикрича, Президент Шавкат Мирзиёевни ўз сиёсати ва ислохотлари миқёси ва мақсадлари нуқтаи назаридан тўла асос билан Хитойнинг буюк ислохотчиси Дэн Сяопинь билан таққослаш мумкин.

Учрашув якунида парламентлараро алоқаларни фаоллаштириш ҳамда самарали ислохот ва янгиликларни амалга ошириш борасидаги тажрибани чуқур ўрганиш мақсадида кўшма тадбирлар ўтказишга келишиб олинди.

Президентимиз ўзи учун ажратилган қароргоҳда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош котиби Антониу Гутерриш билан учрашди.

Давлатимиз раҳбари Бош котибининг самимий қўллаб-қувватлаш ва Нью-Йорк шаҳарларида ўтган мазмунли суҳбатларни мамнунлик билан эслашини, ушбу мулоқотлар Ўзбекистон билан БМТ институтлари ва ташкилотлари ўртасидаги шерикликни мустаҳкамлашга хизмат қилганини таъкидлади. Шавкат Мирзиёев Самарқанддаги Марказий Осиё бўйича ва Тошкентдаги Афғонистон бўйича халқаро конференцияларини, Самарқанд шаҳрида ўтган Инсон ҳуқуқлари бўйича Осиё форуми ва бошқа тадбирларни шахсан қўллаб-қувватлагани учун Антониу Гутерришга миннатдорлик билдирди.

Президентимиз Бош котибининг БМТни ислох қилиш, халқаро хавфсизлик ва барқарорликни, изчил тараққиётни таъминлаш йўлидаги ташаббуслари ва саъй-ҳаракатларини тўлиқ қўллаб-қувватлашини қайд этди. Ушбу ислохотлар Ўзбекистонда Ҳаракатлар стратегияси доирасида амалга оширилаётган қатъий ислохотларни фаол давом эттиришга хизмат қилишини таъкидлади.

БМТ Бош котиби Президентимиз билан яна бир бор учрашиб турганидан мамнун эканини таъкидлаб, Ўзбекистон ташаббуслари халқаро ва минтақавий хавфсизликни мустаҳкамлаш, маънавият, таълим, экология, туризм каби соҳаларни ривожлантиришда муҳим ўрин тутатганини қайд этди. Ўзбекистон Марказий Осиёда ишонч ва яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлаш, минтақадagi барча мамлакатлар билан ўзаро манфатли ҳамкорлиқни кенгайтиришга қатъий интилоқда. Энг муаммоли масалаларнинг ечими топилди, барча қўшнилар билан алоқалар сифат жиҳатидан янги босқичга кўтарилди. Кейинги икки йилда минтақа давлатлари билан товар айирбошлаш ҳажми қариб 2 баробар ортди.

БМТ Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё бўйича тарихий аҳамиятга эга резолюцияси ҳамда Маърифат ва диний бағрикенглик бўйича резолюцияси қабул қилингани Ўзбекистоннинг бу борадаги саъй-ҳаракатларининг халқаро эътирофи бўлди. Мамлакатимиз Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқаро конвенцияни тайёрлаш ва қабул қилиш бўйича муҳим ташаббусни ҳам илгари сурган.

БМТ Бош котибининг кўмаги туфайли БМТ шафелигида Оролбўйи учун кўп шериклик асосидаги Траст фонди фаолият бошлади. Оролбўйида умумий қиймати 3 миллиард доллардан ортиқ лойиҳалар амалга оширилмоқда.

Антониу Гутерриш Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Оролбўйида аҳоли турмуши сифати ва даражасини ошириш, замонавий уй-жой, ижтимоий инфратузилма ва саноат объектларини қуриш, умуман, Орол фожиясининг салбий оқибатларини юмшатиш борасида амалга оширилаётган чора-тадбирларни юксак баҳолади. Оролнинг қуриган тубидаги 500 минг гектардан ортиқ майдонда ҳимоя ўрмонзорлари барпо этилмоқда, 1,1 миллион гектар майдонда қум тутиш тизими яратилди.

(Давоми 2-бетда)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИ КЕНГАШИНING МАЖЛИСИ ТЎҒРИСИДА

АХБОРОТ

2019 йил 26 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг мажлиси бўлиб ўтди.

Мажлиси Олий Мажлиси Сенати Раиси Нигматилла Йўлдошев олиб борди. Кенгаш Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисини жорий йилнинг 3 май куни Тошкент шаҳрида қабул қилиш тўғрисида қарор қабул қилди.

Сенатнинг ялпи мажлиси кун тартибига мамлакатимизнинг бугунги ривожланиш йўлида қўйилган мақсадларга эришишга, фуқаролик жамияти асосларини янада мустаҳкамлаш ва демократик ислохотлар самарадорлигини таъминлашга, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” да амалга оширишга оид Давлат дастурида белгилаб берилган вазифалар ижросига қаратилган Ўзбекистон Республикасининг қонунлари киритилган.

“Давлат-хусусий шериклик тўғрисида”-ги, “Қишлоқ хўжалигига мўлжалланмаган ер участкаларини хусусийлаштириш тўғрисида”-ги, “Қайта тикланувчи энергия манбалари тўғрисида”-ги, “Яйловлар тўғрисида”-ги қонунлар шулар жумласидандир.

Шунингдек, сенаторлар Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодекс, Иқтисодий процессуал кодекси ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги Ўзбекистон Республикаси қонунларини ҳам кўриб чиқади.

Шу билан бирга, ялпи мажлисда “Фаол инвестициялар ва ижтимоий ривожланиш йили” Давлат дастурининг 2019 йил биринчи қўрағидида ижроси юзасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг ҳисоботини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Марказий банкнинг, прокуратура органларининг, Ҳисоб палатасининг 2018 йилдаги фаолияти тўғрисидаги ҳисоботлари эшитилди.

Ялпи мажлисда Тошкент вилояти ҳокимининг ҳудудларни ривожлантириш ҳамда халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари фаолияти ҳақидаги ҳисоботи ҳам тингланади.

Сенаторлар тадбиркорлик фаолиятини амалга оширишда аҳолининг санитария-эпидемиологик осойишталигини таъминлаш масалалари, сув объектларига оқинди сувларни оқизиш билан боғлиқ муаммолар юзасида қонун ҳужжатларига парламент сўровлари юбориш, шунингдек, илгари юборилган парламент сўровлари натижаларини муҳокама қилишди.

Ялпи мажлисда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ваколатларига тааллуқли бошқа масалалар ҳам кўриб чиқилди.

Олий Мажлиси Сенати қўмиталари ва девонининг ўн тўққизинчи ялпи мажлисга тайёргарлик қилиш ва уни ўтказишга доир ишларни мувофиқлаштириш учун Кенгаш томонидан ишчи гуруҳ тузилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Ахборот хизмати



МАМЛАКАТИМИЗДА

● Термиз давлат университетидида “Жаҳон цивилизацияси: Бойсун моддий ва маънавий маданияти” мавзусида халқаро илмий-амалий конференция бўлиб ўтди. Анжуман иштирокчилари дунё аҳлини ўзига чорлаётган сўлим, осуда ва нодир гўша тарихи, нафис ва бой номоддий маданий мероси, миллий хунармайдчилиги, этнографияси ва археологиясининг жаҳон тараққиётида тутган ўрни ҳамда туризмининг ривожлантириш билан боғлиқ масалаларни илмий жиҳатдан муҳокама этишди.

● Андижон шаҳридаги “Жоме” меъморий мажмуасида Тасвирий ва амалий санъат фестивали вақтидаги доирасида ижодкор ёшлар кўрғазмаси ташкил этилди. Тадбирда вилоятдаги умумтаълим ҳамда болалар мусика ва санъат мактаблари ўқувчилари, “Баркамол авлод” болалар ижодиёти маркази тўғрақлари тарбияланувчилари ўзларининг Ватан, истиқлол, табиат гўзалликлари ва бошқа турли мавзулардаги ранг-баранг расмлари, амалий санъат асарлари билан иштирок этди.

● Наманганда “Ҳамшира – 2019” республика кўрик-танловининг вилоят босқичи бўлиб ўтди. Унда вилоят даволаш-профилактика муассасалари, туман ва шаҳар тиббиёт бирлашмаларида ўтказилган саралаш босқичларида голиб бўлган 14 нафар ўрта тиббиёт ходими 5 та шарт бўйича касбий маҳорати, маънавий-маърифий, сиёсий билимини синовдан ўтказди.

ЖАҲОНДА

● Испанияда муддатидан олдин ўтказилаётган парламент сайловлари бўлиб ўтмоқда. Сайловларда ҳозирга қадар 40 фоизга яқин фуқаролар ўз овозларини бериб бўлишди.

● Шри-Ланкада 250 дан ортиқ инсонларнинг умрига зомин бўлган худуднинг террорчилик ҳаракатларининг бош ташкилотчилари саккиз кишидан иборат эканлиги аниқланди ва кеча улардан икки нафари қўлга олинди. Умуман, мазкур терактларга алоқадор бўлган жами қўлга олинганлар сони 100 кишидан ошди.

● Канадада унчалик баян бўлмаган, бироқ жуда мураккаб Хаус чўққисига чиқиш вақтида ҳалок бўлган битта америкалик ва икки нафар австриялик жаҳон миқёсида доврүк қозонган альпинистларнинг жасадлари топилди. Маълум бўлишича, улар қор кўчкиси натижасида ҳалок бўлганлар. Таъкидлаш жоизки, бутун тарих давомида альпинистлар Хаус чўққисини бундай йигирма йил муқаддам фақат бир марта забт этишга муваффақ бўлишган, холос.

ҚИСКА САТРАПДА

● Пойтахтимизнинг Сайилгоҳ кўчасида “Тошкент сизни севади” лойиҳаси доирасида концерт ташкил қилинди. Унда Тошкент шаҳар ҳокими ташриф буюриб, иштирокчи болаларга совғалар улашди.

● Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институтида Академик инновациялар фондининг иккита: “Аграр инновациялар ва ресурслар” ҳамда “Хорижий университетлардаги инновацион ечимларни жорий этиш орқали қишлоқ хўжалигида муҳандис кадрларни тайёрлаш дастурларини тақомиллаштириш мавзуларидаги лойиҳалари иш бошлади.

● Пойтахт бизнес марказида Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партияси Марказий кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ва Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси ҳамкорлигида Ҳаракатлар стратегиясининг Ижтимоий соҳани ривожлантириш борасидаги вазифалари ижросини амалга оширишга қаратилган республика илмий-амалий конференцияси бўлиб ўтди.

“БИР МАКОН, БИР ЙЎЛ”:

БИРГАЛИҚДАГИ САЪЙ-ҲАРАКАТЛАР МАМЛАКАТЛАР ВА ХАЛҚЛАР КЕЛАЖАГИ УЧУН ЯНГИ ИСТИҚБОЛЛАР ОЧАДИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Учрашувда жорий йил октябрь ойида Нукусда бўлиб ўтадиган Оролбўйида экологик инновация ва технологияларни ривожлантириш бўйича халқаро конференция якунида Ўзбекистон БМТ Бош Ассамблеясига ушбу ҳудудни “Экологик инновация ва технологиялар ҳудуди” сифатида эълон қилишга доир махсус резолюция қабул қилиш ташаббуси билан чиқиши режалаштирилгани таъкидланди.

Бундан ташқари, 2020 йилда Тошкент шаҳрида Озон қатлами миқдори бўйича Монреал протоколини амалга ошириш масалаларига бағишланган халқаро конференция ўтказилиши қайд этилди.

Сўхбат чоғида Афғонистондаги вазиятни тинч йўл билан ҳал этиш миссиясида барқарорликни таъминлашнинг муҳим омиллари экани таъкидланди. Ўзбекистон Афғонистонни минтақавий иқтисодий ҳамкорликка фаол жалб этмоқда, ушбу мамлакат учун савдо, инфратузилма ва ижтимоий лойиҳаларни илгари сурмоқда.

Антониу Гутерриш Ўзбекистон билан кенг қўламли ҳамкорликни янада кенгайтириш учун зарур барча қўмакни кўрсатишга тайёр эканини яна бир бор тасдиқлади.

Президент Шавкат Мирзиёев Ўзбекистоннинг Хитойдаги элчихонаси янги биринчи кўздан кечирди.

Кейинги йилларда Ўзбекистон ва Хитой муносабатлари барча соҳалар, жумладан, савдо-иқтисодиёт, инвестиция, технологиялар, энергетика, маданий-гуманитар йўналишларда фаол ривожланмоқда.

Дипломатик ваколатхонамизнинг у қаватли янги биноси фарғоналик усталар иштирокида миллий бунёдкорлик аъёнлари ва замонавий меъморчилик ютуқлари асосида бунёд этилган. Иморат Пекин шаҳри марказидаги Чаоанг ишбилармонлик мавзесида, АҚШ, Япония, Малайзия, Сингапур каби давлатлар элчихоналари билан ёнма-ён жойлашган.

Биринчи қаватда музокаралар, ишбилармонлик ва маданият тадбирларини ўтказишга мўлжалланган “Самарқанд”, “Бухоро”, “Хива”, “Кўқон” заллари жойлашган. Дарвозадан кириверилган айвон халқимиз аъёнлари ва бой маданиятини акс эттирган.

Давлатимиз раҳбари бу ердаги шароитлар билан танишар экан, мазкур даргоҳ миллий услубда безатилгандан мамнулигини билдирди ҳамда у Хитой ва хитой халқининг мамлакатимиз билан ҳамкорликка юксак эътибори намунаси эканини таъкидлади.

Ушбу бино халқларимизни янада яқинлаштирадиган, мамлакатларимиз ўртасида турли соҳаларда ўзаро манфаатли ҳамкорликни кенгайтирадиган, маданиятлараро алоқаларни бойитадиган марказ бўлади. Ўзбекистон ва Хитой ҳамкорлигини янада мустаҳкамлашга қаратилган янги ғоя ва ташаббусларни ишлаб чиқишга хизмат қилади.

“Бир макон, бир йўл” иккинчи халқаро форуми 27 апрель куни “Яньци” халқаро конференциялар марказида делегация раҳбарларининг давра суҳбати тарзида давом этди.

Унда Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев нутқ сўзлади.

Халқаро ва минтақавий ўзаро боғлиқлик масалалари Марказий Осиё, жумладан, денгиз портларига бевоҳита чиқиш имконияти бўлмаган мамлакатимиз учун

долзарб бўлиб келган ва ҳозир ҳам шундай. Ўзбекистон мамлакатларимизнинг барқарор тараққиётида муҳим омил бўладиган “Бир макон, бир йўл” ташаббусини илк кунлардан оқиб қўллаб-қувватлаган, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари форум давра суҳбатининг Қўшма баёноти қабул қилинишини маъқуллаб, бу минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш, умумий мақсадларга эришиш, иқтисодий юқалишнинг янги манбаларини кашф этиш, натижада халқларимиз турмуш даражаси ошишига хизмат қилишини таъкидлади.

Президентимиз Марказий Осиёнинг транспорт ва логистика имкониятларини ошириш, “яшил иқтисодиёт” орқали озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш, туризмин ривожлантириш, экологик муаммоларни биргаликда бартараф этиш ва бошқа долзарб масалалар бўйича қатор ташаббусларни илгари сурди.

Марказий Осиё минтақасининг транзит салоҳиятини рўёбга чиқариш ҳамда Хитой – Марказий Осиё – Фарбий Осиё иқтисодий йўналиши шакллантириш долзарб аҳамиятга эга экани таъкидланди. Тошкент – Андижон – Ўш – Ирқистом – Қошғар автомобиль йўли, Ўзбекистон – Қирғизистон – Хитой ва Мозори Шариф – Кобул – Пешовар темир йўли лойиҳалари бу борада катта истиқболлар очиб қайд этилди. Шунингдек, Сарик денгиз портлари – Марказий Осиё – Европа йўналиши бўйлаб темир йўлда юк ташишга бир хил тариф ўрнатиш ҳам иқтисодий жиҳатдан мақсадга мувофиқ.

Президентимиз “яшил иқтисодиёт”ни ривожлантириш, озиқ-овқат хавфсизлигига эришиш учун қишлоқ хўжалигига замонавий технологиялар ва илгор ёчимларни жорий этиш масалаларига эътиборни қаратди.

Орол денгизи қуриши оқибатида юзага келган экологик вазиятни бартараф этиш умумий вазиёфа эканини таъкидлар экан, Шавкат Мирзиёев шерикларни БМТнинг Оролбўйи минтақаси учун Траст фонди ҳамда Оролбўйи ҳудудида экологик инновациялар ва технологиялар зонаси фаолиятида иштирок этишга қачирди.

Туризм соҳасида алмашинувлари ривожлантириш, бунинг учун “Ипак йўли” бренди остида қўшма дастур ва маҳсулотларни илгари суриш бўйича долзарб таклифлар билдирилди.

Давлатимиз раҳбари Афғонистон масаласига ҳам эътибор қаратиб, ушбу мамлакатда тинчлик ўрнатилиши Марказий ва Жанубий Осиёда янги тараққиёт манбалари яратишини таъкидлади. Шавкат Мирзиёев бу борадаги долзарб масалалар жорий йилнинг кузига Тошкентда бўлиб ўтадиган Афғонистон бўйича Минтақавий иқтисодий ҳамкорлик конференциясида (RECCA) муҳокама этилишини маълум қилди.

Тарихий ва маданий меросимиз, олдимизда турган мақсад ва вазифаларнинг ўхшашлиги ҳамда интилишларимиз муштараклиги келажакка катта ишонч билан қарашга имкон беради. Халқларимиз биргаликдаги саъй-ҳаракатларимизнинг ижобий натижаларини албатта сезиши керак, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбарининг фикр ва ташаббуслари катта қизиқиш билан кутиб олинди.

Форумда қуруқлик ва денгиз йўллари ривожлантириш, савдо алоқалари ва давлатлараро ҳамкорлик механизмларини кенгайтиришга қаратилган йирик иқтисодий коридорлар очиб масаласи муҳокама этилди. Бунинг учун транспорт-логистика, энергетика ва телекоммуникация инфратузилмаларини интеграциялаш, макроиқтисодий сиёсатни мувофиқлаштириш, савдо ва инвестиция соҳасидаги тўсиқларни бартараф

этиш, саноат кооперациясини кучайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Таъкидланганидек, “Бир макон, бир йўл” лойиҳасида мамлакатларнинг ягона иқтисодий маконини барпо этиш йўлидаги биргаликдаги маслаҳатлашув, барпо этиш ва фойдаланиш формати йўлга қўйилди. Очқилик, “яшил иқтисодиёт” ва инновациялардан фойдаланган ҳолда узоқ муддатли тараққиётнинг янги манбаларини излаб топиш, йирик инфратузилмавий лойиҳаларни биргаликда амалга ошириш мазкур ташаббуснинг асосини ташкил қилади.

Ташқи бозорларга чиқишни кенгайтириш, интеллектуал мулкни ҳимоя қилиш соҳасида халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш, товарлар ва хизматлар экспортини ошириш, макроиқтисодий сиёсатнинг мувофиқлаштирилишини яхшилаш глобал иқтисодий жараёнларни тезлаштириши қайд этилди.

Евроосиёдан Африка, Америка ва Океаниягача қўзилган “Бир макон, бир йўл”нинг қурилиши дунё иқтисодиёти ўсиши учун янги имкониятлар эшигини очди, халқаро савдо ва сармовий фаолият учун янги платформа яратиб берди, глобал иқтисодий бошқарувни такомиллаштириш бўйича янги амалий фаолиятни кенгайтириб, турли мамлакатлар аҳолиси фаровонлигини оширишга хисса қўшди. “Бир макон, бир йўл” янги имкониятлар ва тараққиёт йўлидаги умумий йўлди.

Оммавий ахборот воситалари учун брифингга Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин форумда иштирок этаётган давлат ва халқаро ташкилотлар раҳбарлари ҳамкорликни янада ривожлантириш, шериклик ўрнатиш ва мавжуд алоқаларни мустаҳкамлаш, БМТнинг 2030 йилгача мўлжалланган барқарор ривожланиш дастурини амалга ошириш каби масалалар юзасидан музокаралар ўтказганини таъкидлади.

Биз “Бир макон, бир йўл” ташаббусини амалиётга изчил татбиқ этиш борасида қўллаб қўллашувларга эришдик. Делегациялар раҳбарларининг қарашлари давра суҳбати якунида қабул қилинган Қўшма баёнотда ўз аксини топган. Унда “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида ўзаро ҳамкорликда амалга оширилаётган қатор лойиҳалар камраб олинган. Ушбу йирик ташаббус иштирокчи давлатлар тараққиётига хизмат қилаётгани барча томонидан алоҳида таъкидланди. Биз “Бир макон, бир йўл” концепциясини бойитдик ва уни янада ривожлантиришга келишиб олдик. Мазкур лойиҳага қизиқиш билдирадиган давлатларни қўллаб-қувватлаймиз, деди Си Цзиньпин.

Давлат раҳбарлари кўп томонлама ўзаро манфаатли алоқаларни янада мустаҳкамлаш, автомобиль, денгиз ва ҳаво йўли орқали алоқаларни ривожлантиришга келишиб олгани қайд этилди. Юксак сифатли, барқарор, инклюзив ва кенг қўламли инфратузилмани тараққиёт этириш, иқтисодий йўлақлар ва зоналар фаолиятини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Бунда корхоналарнинг тутган ўрни алоҳида аҳамиятга эга. Бу лойиҳаларнинг янада барқарор бўлишини, хорижий инвесторлар учун адолатли муҳитни таъминлайди.

Форум доирасида томонлар 283 та амалий натижага, давлатлараро келишувлар ва ҳамкорлик лойиҳаларига эришди. Форум доирасида ишбилармонлар қиймати 64 миллиард доллардан зиёд бўлган битимлар имзоланди. Буларнинг барчаси “Бир макон, бир йўл” лойиҳаси доирасидаги ҳамкорлик ўзаро манфаатли ва кенг қўламли тус олганидан далолат беради.

Шу билан “Бир макон, бир йўл” иккинчи халқаро форуми ниҳоясига етди.

Матназар ЭЛМУРОДОВ, ЎЗА махсус мухбири

Май – фуқаролар йиғини раислигига сайловлар оий

Юртимизда азалдан маҳалла тарбия ўчоғи ҳисобланиб, авлоқдан-авлоқда ўтиб келаётган миллий қадриятларимиз, халқимизнинг турмуш ва тафаккур тарзини кўз қорачиқдек асраб-авайлашда, унинг ўрни ва аҳамияти беқиёсдир. Мамлакатимизда ташкил этилган дунёда ноёб, ўхшаши йўқ маҳалла тизими аҳолига энг яқин ва халқчил тузилмага айланиб бормоқда.

Мустақиллик йилларида маҳалла институтининг нуфузини ошириш нафақат ижтимоий-иқтисодий, балки сиёсий, тарбиявий ва улкан маънавий аҳамиятга эга бўлган устувор вазиёфа сифатида белгиланиб, мамлакатимизда фуқаролик жамиятини ривожлантиришда унинг ишончли таянч ва таъсирчан куч бўлиб хизмат қилиши учун кенг қўламли чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳалла институтини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонида алоҳида таъкидланганидек, миллий давлатчилигимиз тарихида илк бор шаҳарча, қишлоқ, овул ва маҳалла фуқаролар йиғинлари ўзини ўзи бошқаришнинг худудий бирликлари сифатида Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 105-моддасида мустаҳкамлаб қўйилди. Юздан ортик норматив-ҳуқуқий ҳужжатларда фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг жамият ҳаётининг муайян соҳасидаги иштироки ўз аксини топди.

Бизга маълумки, маҳалла оқсоқоллари сайловлари 2019 йилнинг май ойида бўлиб ўтиши белгиланди. Фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг амалдаги раҳбарлари ваколатлари янги раислар сайланганига қадар узайтирилди, бунда оқсоқоллар ваколатларининг янги муддати уч йилни ташкил қиладиган бўлди.

Ўзбекистон Республикасининг “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги Қонунчилик палатаси томонидан 2018 йил 21 сентябрда қабул қилинган Сенат томонидан 2018 йил 27 сентябрда маъқулланган Қонуни ҳамда 2018 йил 15 октябрь куни Президентимиз томонидан имзоланган “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайлови тўғрисида”ги қонуннинг мазмун-моҳия-

ғилишининг сайловларини ташкил қилиш ва ўтказиш, санаси, вақти ва ўтказиш жойи, бу лавозимга номзодлар ҳақидаги маълумотлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятини мувофиқлаштириш кенгашилари сайтида сайлов ўтказиш кунинда камидя беш кун олдин эълон қилинади. Фуқаролар йиғини раисини сайлашда овоз бериш жараёни қатъий равиш-

МАҲАЛЛА ИНСТИТУТИ ФАОЛИЯТИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ – ДАВР ТАЛАБИ

ти, сайловни ташкил этиш ва ўтказишга қўмақлашувчи худудий комиссиялар, ишчи гуруҳларнинг вазиёфалари хусусида алоҳида кўрсатиб ўтилган.

Ушбу Қонуннинг мақсади шаҳарча, қишлоқ, овул, шунингдек, шаҳарлардаги, шаҳарчалардаги, қишлоқлардаги, овуллардаги маҳалла фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ва ўтказиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборатдир.

Қонун фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) сайловида иштирок этиш бўйича фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқларини амалга оширишига қулай шароит яратиш, сайлов жараёнининг очиқлиги ва шаффоғлигини янада ошириш мақсадида ишлаб чиқилганлигини кўришимиз мумкин.

да сайлов бюллетенларини тўлдириш орқали яшириш шаклда ўтказилади. Аввал яшириш ва очик овоз бериш шаклидан фойдаланиш.

Ховлилар, кўп қаватли уйлар ва кўчалардан сайловларга вакиллик меъёри аввалгидек шаҳар ёки вилоят комиссияси томонидан белгиланади, бироқ фуқаролар вакиллари сони сайловда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлган фуқаролар умумий сонининг 12 фоизидан кам бўлмаслиги керак.

Раисларни сайлаш учун ўрнатилган тартиб уларнинг маслаҳатчиларига қўлланилмайди. Маслаҳатчилар оқсоқоллар сайловлари натижаларига кўра бир ой давомида сайланади ва бир вақтнинг ўзида кенгаш, фаолиятнинг асосий турлари бўйича комиссиялар ва фуқаролар йиғинининг тафтиш комиссияси шакллантирилади.

раиси (оқсоқоли) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказиш учун фуқаролар йиғини қарори билан ишчи гуруҳ тузилади. Раис (оқсоқол) лавозимига номзодлар кўрсатиш тегишли ҳудудда доимий яшовчи фуқароларнинг фикри ибобатга олинган ҳолда ишчи гуруҳ томонидан амалга оширилади.

Қонунга кўра, эндиликда сайловларини ташкил этиш ва ўтказиш масаласи билан республика даражасида Олий Мажлис Сенати кенгашининг комиссияси эмас балки алоҳида тузилган фуқаролар йиғинлари раислари (оқсоқоллари) сайловини ташкил этиш ҳамда ўтказишга қўмақлашувчи Республика комиссияси шугулланиши белгиланмоқда. Унинг таркибига парламент куйи палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, тегишли давлат органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, илмий муассасалар ва бошқа ташкилотлар вакиллари киритилиши кўзда тутилган.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки мамлакатимизда кейинги йилларда янги тахрирдаги “Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида”-ги ҳамда “Фуқаролар йиғини раиси (оқсоқоли) ва унинг маслаҳатчилари сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикасининг қонунари, маҳаллалар ҳамда улардаги жамоатчилик тузилмалари фаолиятига оид 20 га яқин низом қабул қилиниб, ижтимоий ҳаётга татбиқ этилмоқда. Шунингдек, тизимда фаолият кўрсатаётган ҳодимларнинг малакасини ошириш бўйича ўқув курслари ҳамда “Маҳалла” маърифий телерадиоанали ташкил этилган.

Бугунги давр яқин орада маҳалла тизимида, умуман, барча йирик нодавлат нотижорат ташкилотларида ҳам ёшлар, хотин-қизлар масалалари билан алоҳида шугулланадиган шта бирликлари жорий этилишини, бу борада давлат ва нодавлат ташкилотлар яқин ижтимоий ҳамкорликда, яъни “оила, мактаб ва маҳалла” ни олиб бориши зарурати вужудга келмоқда.

Жуманазар ХОЛМУМИНОВ, ТДЮУ профессори, юридик фанлари доктори

9 май – Хотира ва Қадрлаш куни

Куни кеча “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори эълон қилинди.

АҲДОДЛАРНИ ҚАДРЛАШ — МУҚАДДАС ҚАДРИЯТ

Қарорда Иккинчи жаҳон урушида фашизмга қарши курашишга хисса қўшган, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳодимларининг хотирасини абдийлаштириш, барча фахрийларга ҳурмат кўрсатиш мақсадида 9 май — Хотира ва Қадрлаш кунини умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш ва ушбу санага тайёргарлик кўриш бўйича чора-тадбирлар белгиланган.

Давлатимиз раҳбарининг қарори билан ҳар йили ушбу сана умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлаш замирида ҳам халқимизга хос бўлган эзгу мақсад мужассам. Чунки ота-боболаримиздан мерос қолган миллий аънава ва урф-одатларимизни ҳимоя қилиш, қадр-қиммат, ор-номусини сақлаш, боқинчиларга қарши мардонвор курашиш, бугунги тинч ва осойишта кунлар учун жонини фидо қилган аждодларимизнинг муқаддас хотирасини ёд этиб, эзгу ишларини давом эттириш бағрикенг ва олижаноб халқимизга хос бўлган азалий қадрият ҳисобланади.

Албатта, инсоният бошига мислсиз йўқотишлар, талафот ва мусибатлар келтирган Иккинчи жаҳон уруши асоратларини ҳеч ким унутмайди, унутиб ҳам бўлмайди. Бу даҳшатли уруш ватанимиз сарҳадларидан анча олдига юз берган бўлса-да, унинг асоратлари ҳеч бир ўзбек хонадонини четлаб ўтгани йўқ. Урушдан олдин Ўзбекистонда 6,5 миллион аҳоли яшаган бўлса; шундан 1,5 миллионга яқин киши фронтга сафарбар қилинди. Уша вақтда аҳолимизнинг ярмини болалар ва кексалар ташкил қилганини инобатга олсак, қўлга қурол кўтаришга қодир бўлган ватандошларимизнинг тахминан 70-80 фоизи бешафқат урушда бевосита иштирок этди. Афсуски, улардан ярим миллиони ҳалок бўлди, 60 минг нафардан ортиги ногирон бўлиб қайтди.

Шу ўринда халқимизга хос бўлган яна бир инсонпарварлик намунасини эътироф этмасдан илоҳий йўқ. Уруш тубайли уй-жойи, ота-онаси, қариндошларидан ажралган ва фронт ҳудудларидан қўчириб келтирилган қарийб 1 миллион кишини ўз яқинларидек қабул қилди. Уларнинг 200 минг нафари болалар эди. Юзлаб ўзбек оилалари эвакуация қилинган етим болаларни ўз тарбиясига олди. Охириги бурда нонини ҳам улар билан баҳам қўриб, дунёга юксак маънавий жасорат намунасини қўрсатди.


Ушбу сана илгари Галаба куни сифатида нишонланган бўлса, 1999 йилдан бошлаб, 9 май — Хотира ва қадрлаш куни деб эълон қилинди ва пойтахтимида Хотира майдони барпо этилди. Ушбу кун энди ўзгача руҳ ва шукўб билан, миллий хусусиятимиздан келиб чиққан ҳолда умумхалқ байрами сифатида кенг нишонлана бошланди. Яъни, байрамнинг мазмун-моҳияти буткул ўзгарди, ушбу сана ҳақиқий маънода халқ хотираси ва инсонни қадрлаш кунига айланди. Чунки бугун орамизда қанчадан-қанча уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат қилганлар бор. Хотира — биздан олдин яшаб ўтган аждодларимизни эслаш, улар қолдирган эзгу ишларини давом эттириш ва ёшлар учун ибрат қилиб кўрсатиш, тарихий ютуқлардан фахрланиш, уларга муносиб авлод бўлиб етишишидир. Қадрлаш эса бугун мамлакат тинчлиги, юрт ободлиги, халқ фаровонлиги йўлида тиним билмаётган фуқароларнинг ҳурматини жойига қўйиш, уларнинг хизматларини муносиб тақдирлашдир. Утганларни хотирлаш, сафимизда юрганларнинг қадрига етиш ҳар биримизнинг бурчимиздир.

Қарорда бу йилги тантаналарни “Аждодларни хотирлаш — муқаддас қадрият”, “Эътибор ва ғамхўрлик — инсоний бурч” шиорлари остида кенг нишонлаш белгиланди. Иккинчи жаҳон урушининг ҳар бир қатнашчиси, фронт орти меҳнат фахрийлари, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ҳодимларининг оила аъзоларига моддий ва маънавий ёрдам кўрсатиш, ёлғиз ва кам таъминланган Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларининг турар жойларини таъмирлаш, ободонлаштириш, уларнинг матонат, мардлик ва жасоратини ёшларга тушунтириш, маданий-маърифий, ватанпарварлик йўналишидаги тадбирлар ўтказиш лозимлиги кўрсатилган.

Халқимизнинг маънавий қадриятлари, урф-одатлари ва аъёнлари, бой тарихий меросини сақлаш ва бойитиш, ёшларни миллий ғурур, Ватанга садоқат, қатталарга ҳурмат, кичикларга иззат руҳида тарбиялаш каби фазилатлар Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясининг асосий мақсад ва вазифалари қилиб белгиланган. Партиядан маҳаллий кенгашларга сайланган депутатлар ҳам бундай эзгу мақсадлар ҳаётлигини таъминлаш борасида кенг қўламли амалий саъй-ҳаракатлар ташаббускорига айланган. Айниқса, депутатлар томонидан партиянинг “Уйма-уй” лойиҳаси доирасида йил давомида уруш қатнашчилари, меҳнат фахрийлари ҳолидан хабар олиш, отахон ва онахонлар хизматини қилиш, умуман, фуқароларнинг ўтаётган ҳар бир кундан рози қилиш бўйича қўллаб-тадбирлар, давра суҳбатлари ўтказилди.

Демак, бу борадаги чора-тадбирларни тўхтамай, фаоллаштиришимиз, одамларнинг орасига янада яқинроқ кириб бориб, муаммоларини ўрганиш, ташвиш ва оғриқларини дилдан ўтказишимиз, амалий ёрдам кўрсатиш, жуда бўлмаганда ширин каломимиз билан хурсанд қилишимиз лозим. Мамлакатимизда Президентимиз бошчилигида амалга оширилаётган кенг қўламли илҳотлардан қўзланган асосий мақсад ҳам аслида шу. Чунки инсон бир-бирига яхшилик қилиш, яхшилик улашиш учун яратилган.

Санжар ҚАРИЕВ, Халқ депутатлари Бектемир туман Кенгаши депутати



Футбол янгиликлари

ПОЙТАХТ ЖАМОАЛАРИНИНГ МУВАФФАҚИЯТИ

Футбол бўйича Суперлига жамоалари ўртасида уюштирилган мамлакат чемпионатининг 5-тур учрашувлари пойтахт жамоаларига омад келтирди.

Олмаликда АГМК жамоаси меҳмони бўлган "қалдирғоч"лар шиддатли, қизиқарли ва мурасасиз кечган ўйинда Л.Тўраев томонидан 39-дақиқада киритган гол эвазига 1:0 ҳисобида зафар қучиши ва муҳим уч очкога эга бўлишди.

Турнир жадвалида етакчилик қилаётган "Пахтакор" ҳамда "Локомотив" жамоалари ҳам ушбу турда ўз мухлисларини хушнуд этишди. Ўз майдонида "Пахта-

кор" "Динамо" жамоасидан 2:0 ҳисобида устун келган бўлса, амалдаги чемпион "Локомотив" сафарда "Бухоро" устидан худди шундай ҳисобда галаба қозонди.

Турнир қолган баҳсларида куйидаги натижалар қайд этилди: "Андижон" – "Насаф" – 3:1, "Қизилқум" – "Кўқон" – 19:12 – 0:1, "Навбахор" – "Сурхон" – 3:0, "Сўғдиёна" – "Металлург" – 2:1.

МУРАББИЙЛАР МАЛАКА ОШИРИШДИ

Малайзия пойтахти Куала-Лумпур шаҳрида ОФК ташаббуси билан мураббийлик таълими бўйича мутахассислар гуруҳи ййгилиши бўлиб ўтди.

Қитъамизнинг 15 та мамлакат вакиллари иштирок этган ушбу ййгилишда ОФКнинг 3-конференцияси олдидан муҳим масалалар муҳокама қилинди. УФА Мураббийлик таълими департаменти директори Шавкат Имомов ҳам қатнашган мазкур ййгилишда ОФКга аъзо яна 6 та мамлакатнинг, жумладан, Японияни (Pro дипломи бўйича), Филиппинни ("А" лицензияси бўйича)

Конвенцияга қўшиб олиш иштирокчилар томонидан маъқулланди. Тадбирда яна 25 та давлатдан Конвенцияга қўшилиш бўйича топширилган аризалар мутахассислар томонидан қўриб чиқилди. Шу билан ОФКнинг мураббийлик таълими ривожлантириш бўйича уюштирилган ййгилиши якунига етди.

Орадан бир кун ўтиб, ОФКнинг мураббийлик таълими бўйича кон-

ференцияси уюштирилди. Унда юртимиздан Шавкат Имомов билан бирга ФИФА ва ОФК инструктори Исломо Аҳмедов ҳам қатнашди. Унда қитъамизда футбол соҳасида мураббийлик таълимини ривожлантириш масаласи муҳокама қилинди. Шунингдек, мураббийлик таълими бўйича ОФК Конвенциясига қўшимча ва ўзгаришлар киритиш масаласи ҳам қўриб чиқилди.

САРАЛАШ ТУРНИРИ БЎЛИБ ЎТАДИ

Мухлисларга маълумки, 26-30 апрель кунлари Мьянмада футбол бўйича 19 ёшгача бўлган қизлардан таркиб топган аёллар терма жамоалари ўртасида Осиё чемпионати саралаш турнири бўлиб ўтади.

Ушбу мусобақада Карима Йўлдошева бош мураббийлигидаги Ўзбекистон аёллар терма жамоамиз ҳам юртимиз шарафини химоя қилади.

Осиё чемпионати йўлланмасини қўлга киритишга аҳд қилган Карима Йўлдошева шогирдлари Тошкентдаги "Чигатой" спорт базасида уюштирилган ўқув-машғулот ййигини доирасида 2006 йилда туғилган ўғил болалардан иборат "Чигатой" жамоасига қарши назорат-ўртоқлик учрашувида майдонга тушди. Қизиқарли ва мурасасиз кечган баҳс 3:1 ҳисобида аёллар терма жамоамизнинг галабаси билан ниҳоясига етди. Аёллар терма жамоамиз голларига Мадина Ҳикматова (2 та), Лайло Шодиева муаллифлик қилишди.

Мьянмада бошланаётган Осиё чемпионати саралаш турнирининг гуруҳ босқичида Мьянма, Австралия ва Непал аёллар терма жамоаларини Карима Йўлдошева бошчилигидаги ҳамюртларимиз мағлуб этишади, деб умид қиламиз.

Акбар ЙЎЛДОШЕВ

ҚОНУНИЙ ЙЎЛ КЎРСАТИЛДИ

Бозорда бирор нарса сотсангу у қонуний асосга эга бўлмаса, яна маҳсулотнинг инсон ҳаётига хавф солса, бунга қандай тушуниш мумкин? Ахир юртимизда тadbиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий асослари яратилган бўлса...

Ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар томонидан айрим ҳолларда бозорларда ноқонуний тadbиркорлик билан шуғулланиб, истеъмолчиларга зиён келтираётган шахслар ҳам аниқланмоқда.

Гап шундаки, 1970 йилда Тошкент вилоятида туғилган Фарида Мирзаева (исм-шарифлар ўзгаририлган) "Авиасозлар деҳқон бозори"да йирик шохли молларнинг суб маҳсулотлари (ички маҳсулотлари) ва калла-почаларини сотиш билан шуғулланиб келган. Фарида уларни "Чорсу деҳқон бозори"дан олиб келиб сотарди.

Ноқонуний тadbиркорлик бир куни фожиа бўлади. Ф.Мирзаева Чорсу бозорига бориб, чорва молнинг кекирдаги, мийси, туёғини бозорга олиб келиб сотмоқчи бўлган вақтда Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти, ички ишлар, солиқ ходимлари билан ҳамкорликда ўтказган тadbирда ушланиб, маҳсулотлар ашёвий далил сифатида олиб кўйилди. Ветеринария санитария экспертизасининг хулосасига кўра олиб кўйилган маҳсулотларда 30 дан ортиқ зарарли микроблар борлиги аниқланган. Бу маҳсулотлар истеъмолчилар ҳаёти ва соғлиғи хавфсизлиги талабларига жавоб бермаслиги кўрсатилган.

Фарида суд мажлисида айбига тўлиқ иқроор бўлиб, ҳозирда тadbиркорлик фаолиятини қонуний йўлга қўйиб, яқка тартибдаги тadbиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтганлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини билдирди. Суддан жавобгарликдан озод қилишни сўраб ариза киритди.

Суд ушбу ишни ҳар томонлама муҳокама қилиб, инсонпарварлик тамойилларига асосланиб, Фарида Мирзаева муқаддам судланмагани, яшаш жойидан ижобий таъсирлангани, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, яқка тартибдаги тadbиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, қонуний тadbиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганини инобатга олди.

Жиноят кодексининг 65-моддаси, жиноят процессуал кодекси 84-моддаси 5-қисмининг 1-банди, 423-моддаларини қўллаб жиноий ишнинг ҳаракатдан тугатиш тўғрисида ажрим чиқарди.

Аслида бугунги инсонпарварлик сиёсатидан кўзланган мақсад инсонни жазолаш эмас, уни тўғри йўлга солишдир.

Рустам ЭРГАШЕВ,
Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш Департаменти Яшнобод тумани бўлими бошлиғи

Қатралар

ТЕРАКЛАР

Раҳматли отам миришкор деҳқон эди. Уйимизнинг орқасидаги ташландик, ортиқча ерга қатор қилиб терак қўчатлари эккан эди. Йиллар ўтгач, қўчатлар буй кўрсатиб, қад ростлаганини кўрган одамлар ҳавас қилишарди: "Эргаш акам ишнинг кўзини билладиган одам, мана энди иморат курганда қийналмайди, ёғочлар ўзидан чиқади".

Иморат қуришни отамдан олдин унинг укаси, колхозда узоқ йиллар партокм (партия ташкилотининг секретари) бўлиб ишлаган амакини бошлади. У ҳам акасининг қўчатларига кўз тикиб юрган чоғи, ёғоч керак бўлганда

уста ва мардикорлар билан келиб, теракларимизнинг энг бўлиқларини қийратиб кесиб кетди. Ҳеч қандай ҳисоб-китоб, келишув бўлмади. Ука акасининг саховатини яхши биларди.

Вақти-соати етганда биз ҳам иморат қурадиган бўлдик. Ҳарқалай, ёғочдан қийналмадик, уйни ҳашар қилиб, бир амаллаб тиклаб олдик. Томини ёпишга келганда қийналиб қолдик. Ўша маҳаллар шиферли уйлар энди расм бўла бошлаган, бу тасиқ матоҳ анча қиммат шекилли, сотиб олишга отамнинг пули йўқ эди. Онам гарчи бир неча бор эслатса ҳам ака укага юкиниб

боргиси келмади. Ука ҳам ўзи билиб ёрдам қўлини чўзмади. Хуллас, чала битган иморатимиз ёғин-сочинли кунларга қолиб кетди.

Биз ҳамон эски уйимизда яшар, янги уйимиз шундоқ ёнимизда тикланаётган эди. Сира унутолмайман бир ҳолатни. Қишқировли, узун тунлар ташқарида тинимсиз ёмғир шивалаганда чала битган иморатнинг ёмғирдан намланган деворлари гулпилаб ерга қулар, шунда мурғак юрагимнинг бир парчаси ҳам узулиб тушаётганга ўхшар, ич-ичимдан эзилиб, хомуш тортиб, мунгайиб қолар эдим.

Эшаги лойдан ўтган оқибатсиз ука эса то отам бировлардан қарз-ҳавола қилиб, иморатни битиргунча бирон оғиз ҳам акадан ҳол-аҳвол сўрамади.

КИТОБСИЗ ХОНАДОН

Яқин бир дўстим ишдан бўшаб, пенсияга чиқиб, уйда ўтириб қолди. Телефон қилсам анчадан буюн йўқламаётганини айтиб, хафа бўлди, зерикаётганини айтди. Эртаси куни уйига бордим. Қўчоқлашиб кўришдик. Анча озиди. Кўйлагига жуссасига кичиклик қилиб, елкасида осилиб қолди. Ранги-рўйи сўлғин. Гарчи ўзини тетик тутишга уринсада, шашти пастилги, руҳи синиқлиги кўриниб турибди.

Секин атрофга разам солдим. Кенг каравотга қалин кўрпа, ёстиқ тўшалган, ёнида кичкина журнал столи, унинг устидаги ёлим халталарда бир талай хапдорилар. Емакхона ҳам, ётоқхона ҳам, шифоҳона ҳам шу ерда экани сезилиб турарди. Қаршидаги деворга худди кинотеатрлардаги каби улкан экран ўрнатилган. Шунда телевизорлар чўққалигини эсладим. Бирон жойда, биронта китоб кўрмадим. Ажабланиш сўрадим:

- Китоблар... қаерда?
- Э, китобларни нима қиламан. Ўқисам юрагим сиқилади, - деди дўстим.
- Охири марта келганимда ўзим ёзган китобларни сова қилувдим. Ўқидингизми? - мавриди келганда зора фойдаси булар дея дўстимни озорқ изза қилгим келди.
- Ўқиган бўлсам керак, эсимда йўқ ҳозир.
- Демак, ҳозир асосий эрмагингиз мана шу телевизор, шундайми?
- Нима, сиз телевизорга қаршимсиз? - дўстим кўп бошимни қотирманг дегандек, сал зарда билан гапирди.
- Телевизорда ҳам зўр нарсалар берилади.
- Лекин ҳеч нарса китобнинг ўрнини босолмайди. - Китоб айна шу кунларингизда сизга яхши ҳамроҳ, яхши дўст бўлиши мумкин эди.
- Кечирасиз, сиз менга ақл ўргатгани келганмисиз? - деди у ногоҳ жириллаб. - Сиз билган нарсаларни мен алақачон билиб бўлганман. Менга унақа...
- Келинг, унда бошқа нарсалар ҳақида гаплашайлик, - дедим у билан бахslashиш бефойдалигини англаб. - Таниш-билишлар, ошно-оғайниларни қўриб турибсизми?
- Э, қўйинг, гапирманг уларни, - деди дўстим қўлини


асабий силтаб. - Мен қанча одамларга яхшилик қилувдим.Хаммаси гирт номард, гирт бевафо. Эшаги лойдан ўтгунча атрофимда гирдикалапак бўлиб юришади, иши битгач, қорасинимга кўрсатмайди. Ўзи бу дунёда ҳеч кимга яхшилик қилиш керак эмас экан. Ўрисларнинг ўша "Биронта яхшилик жазоанманга қолмайди" деган гапи тўғри экан. Мен аҳмоқ бўлмасам...

Дўстим яна узоқ ҳасрат қилди. Гарчи пенсия ёшига етган бўлсада, ишдан ноҳақ бўшатилгани, хали давлатга анча фойдаси тегиши мумкинлигини куйиниб-куйиниб, бир соатдан зиёд тўхтамай жавради. Гапирётганда асаблари толиққанидан бўлса керак, жагининг бир томони қийшайиброқ кетарди. Гапини атай бўлмадим. Эътироз билдириш алангага чўп ташлаш билан баробар эди. Кўнглини бўшатиб олса балки енгил тортар дея гапларини тоқат қилиб эшитиб турдим. У ҳаммадан, ҳамма нарсадан норози эди. Кўнглида кўр тугундай бўлиб ётган бу дарду ҳасратлар, бу бефойда бошогриқлар бир кунмас бир кун уни худди занг темирни емиргандек адоий тамом қилмаса эди дея хавотирландим.

Хавотирим бежиз эмас экан. Дўстимнинг соғлиғи кундан кунга оғирлашиб, охири ҳаётдан эрта кўз юмди. Улим ҳақ. Ҳамма нарса Оллоҳдан деймиз. Тўғри, аммо бандасига ҳам кўп нарса боғлиқ. Ўзини асраганини асрайман деган парвардигор. Ҳар гал дўстимнинг фожиа-сустини уйлаганимда (қандай ўлимни фожиа деб биламан) дўстимнинг илгари қандай одам бўлгани кўз олдимга келади. Ниҳоятда қувнок, хушчакчақ, киришмили, ақли, ҳаётсевар, завқи баланд одам эди. Қандайдир бир охарабоси бор эди. Ҳамма унга қараб талпинарди. Ўша охири кўрганим - эрмағи фақат телевизор бўлиб қолган, китоб ўқишни ёқтирмайдиган, бошқаларнинг фикрини эшитишга тоқати бўлмаган одамга сира-сира ўхшамасди. Шундай одамнинг кўзига бирдан дунё қоронғу кўриниб қолди, ўзи ҳам гўё ҳеч кимга керак бўлмай қолди, аникроғи, ўзини шундай хис қилди. Оқибат...

Назаримда, дўстимнинг ҳаёт йўли ҳаммага сабоқ бўлгудек қисмат эди...

Шодмон ОТАБЕК



ДОНО СЎЗ - ДИП ЗИЙНАТИ

Ассалом - ҳар тонгни шу сўздан бошла,
Ассалом - таралган нурдир қуёшдан.

* * *

Тилнинг йўқ суяғи, гоҳ айтар ёлгон,
Кўзлар сўзлагани - ҳақиқат, тугён.

* * *

Топа оласизми, айтингчи, қани,
Ҳаётдан тўйдим деган кимсани?

* * *

Ота ҳам онанинг меҳри булоқдир,
Қалби фарзанд учун нурли чироқдир.

* * *

Гўзаллик яратиб яшайди инсон,
Ўзи ҳам оро топар ҳар замон.

* * *

Яхшилик дилингда унган чечакдир,
Ҳасан чирмашувчи унга печакдир.

* * *

Дўст билан ошади қадринг, камолинг,
Дўстнинг чехрасида Тангри жамоли.

* * *

Одобни ўлчолмас на тошу қиймат,
Одобу ахлоқдир энг улуг зийнат.

* * *

Майлига, ожизроқ бўлса билагинг,
Ва лекин покиза бўлсин тилагинг,

* * *

Бахтнинг орқасидан қувмаган бисёр,
Бахт меҳнаткашга мангугадир ёр.

* * *

Сочинг оқлигидан чекма изтироб,
Эзгулик йўлида айлагил шитоб.

* * *

Дўстинг қуёш каби нур сочиб турса,
Бағрини доимо кенг очиб турса.

* * *

Сездирмай ишқ сени тузоққа солар,
Жон кетар, жисмингда муҳаббат қолар.

* * *

Чархпалакка боқиб ўйла доимо:
Худди чархпалакдек айланар дунё.

Темур УБАЙДУЛЛО

РЕКЛАМА ВА ЭЪЛОНЛАР

"Ипак Йўли" АИТБ ходимлар ҳаётини узоқ муддатга суғурталаш бўйича суғурта шартномаларининг тузиш учун суғурта ташкилотлари орасида танлов ўтказиши маълум қилади

Танловда иштирок этиш ва танловга оид ҳужжатларини олиш учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишнинг мумкин: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 2-уй. Индекс: 100017.

Танлов ҳужжатларини қабул қилишнинг сўнгги куни 2019 йил 27 май, соат 12.00 гача.

Мурожаат учун телефонлар: 78 140-69-39, 78 140-69-00 (ички 1258).

Веб-сайтими: www.ipakyulibank.uz



метр тезликда шамол эсади. Ҳарорат кечаси - 10-12, кундузи - 22-24 даража илқ бўлади.

Ўзгидрометнинг мониторинг хизмати маълумотига кўра, 30 апрелда Тошкент шаҳрининг об-ҳаво шароити шаҳар ҳаво муҳитида зарарли моддаларнинг бир оз тарқалиб кетишига имконият яратади, ифросланиш даражаси паст бўлади.

Тошкент шаҳрида 30 апрель куни ҳаво ўзгариб туради, кечаси ва эрталаб қисқа муддатли ёмғир ёғиб, момақалдирок бўлиши мумкин. Кундузи ёғингарчилик бўлмайди. Шарҳдан секундида 7-12



Манзилимиз: 100029, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32

ТЕЛЕФОНЛАР:
Эълолар: (0-371) 233-28-95
факс: (0-371) 233-29-55

2007 йил 19 январда Тошкент шаҳар Матбуот ва ахборот бошқармасида 02-1-рақам билан рўйхатга олинган

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтамтига» — 233-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин. Газета тахририят компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

МУАССИС: ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИ



Бизнинг электрон манзил: gazeta-vto@uamail.uz
Буюртма Г-4 46

Душанба, сешанба, чоршанба, пайшанба ва жума кунлари чиқади
Нашр кўрсаткичи — 563

Ҳажми — 2 босма табоқ, офсет усулида босилади.
2142 нусxada босилди.
Қоғоз бичими А-2

Нашр учун масъул О. Ҳазратов
Босишга топширилди: 15:00

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41-уй

Бош муҳаррир Акмал АҚРОМОВ